

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 422-ҳадис

422/743 - عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَبَا بَكْرٍ وَعُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، كَانُوا يَفْتَحُونَ الصَّلَاةَ بِالْحَمْدِ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ.

422.743 Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамда Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумолар намозни «Ал-ҳамду лиллаҳи Роббил аъламийн» билан бошлар эдилар».

Изоҳ: Ушбу ҳадисдан уларнинг сано, «таъаввуз» ва «басмала»ни ўқимаганлари келиб чиқмайди, балки буларни жаҳрий, яъни овоз чиқариб ўқимаганлари ёки қироатни Фотиҳа сурасидан бошлаганлари тушунилади.

Манба: hadis.islom.uz

